

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳўзурида Бошоқли дон экинлари уруғчилиги республика бошқармасини ташкил этиш тўғрисида

Бошоқли дон экинларининг ўзимизда етиштирилган уруғларининг мустахкам асосини яратиш, республика ҳўжаликларини бошоқли дон экинлари юқори ҳосилли навларининг сифатли уруғлиги билан кафолатли таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги: ҳодимларнинг умумий сони доирасида вазирлик ҳўзурида

Бошоқли дон экинлари уруғчилиги республика бошқармасини ташкил этиш; ўн кун муддатда Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳўзурида Бошоқли дон экинлари уруғчилиги республика бошқармаси тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳўкимликлари билан биргаликда Андижон дон ва дўққакли дон экинлари илмий-тадқиқот институтининг юридик шахс ҳўқуқига эга бўлган Қорақалпоғистон республика ва вилоятлар

филиалларини ҳамда давлат нав синаш уюшталарини ҳўжаликлар негизида ташкил этиш. Қўрсатиб ўтилган институтнинг Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 25 августдаги 413-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган Қорақалпоғистон, Фарғона, Бухоро, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм бўлимига тугатилсин.

3. Андижон илмий-тадқиқот институтининг филиаллари томонидан давлат илмий-техника дастурлари доирасида бажариладиган илмий-техника дастурларини маблаг билан таъминлаш «Фан» тармоғи бўйича ажратиладиган бюджет маблағлари ва ўз ҳўжалик фаолияти ҳисобига амалга оширилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳўзуридаги Қишлоқ ҳўжалиги илмий ишлаб-чиқариш маркази билан биргаликда 1999 йилги илмий-тадқиқот ишлари прогнозида Андижон дон илмий-тадқиқот институти ва унинг филиаллари томонидан тегишли давлат илмий-техника дастурлари бажарилишини назарда тутсин.

5. «Элита» Ўзбекистон-Ирландия қўшма корхонаси («Элита»-ҚК, Самарқанд ви-

лоят) томонидан 1998 йилда бошоқли дон экинларининг 18 минг тонна элита ва суперэлита уруғлари етиштирилганлиги, 1999 йилда уруғ етиштириш ҳажми 32 минг тоннага етказилиши маълумот учун қабул қилинсин.

«Ўздонмахсулот» давлат корпорацияси 1999 йил ҳосилидан бошлаб Андижон вилояти ҳўжаликларидан уруғ сотиб олиш ҳажмини тегишли равишда қисқартирган ҳолда қўрсатилган уруғ миқдорини «Элита» қўшма корхонасидан сотиб олсин. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги 1999 йил ҳосилидан бошлаб бошоқли дон экинлари уруғини Самарқанд вилоятида ишлаб чиқарилган ҳажми ҳисобга олган ҳолда тақсимласин.

6. Қўшма корхона қатнашчилари бўлган ҳўжаликларининг илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш мақсадида бошоқли дон экинлари экилган ерларига, ушбу ерлар ер солиғидан озод қилинган ҳолда, илмий муассасалар учун белгиланган солиқ солиш шартлари татбиқ этилсин.

7. Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси, Пенсия жамғармаси ва Меҳнат вазир-

лиги билан биргаликда: ҳўжаликларнинг бюджет, Пенсия жамғармаси ва Иш билан таъминлашга қўмаклашиш жамғармаси олдидаги қарзларини қайтаришни 1998 йил 1 январдаги ҳолатига қўра пеня ҳисобламасдан 3 йилга кечиктирсинлар; бюджетга мuddатда тўланмаган тўловлар бўйича ҳисобланган пенялар 1998 йил 1 январдаги ҳолатига қўра ҳисобдан чиқарилсин; Андижон дон илмий-тадқиқот институти филиалларига алмашлаб экиш ва қишлоқ ҳўжалиги экинлари навини алмаштиришнинг амалдаги схемалари доирасида ҳўжаликларнинг ҳар бир филиал учун 300 гектаргача ажратиладиган ерлари ер солиғи тўлашдан 1999 йил 1 январдан бошлаб 3 йилга озод этилсин.

8. «Ўздонмахсулот» давлат корпорацияси Андижон илмий-тадқиқот институти филиаллари ва нав синаш уюшталари ташкил этилган ҳўжаликларга ва синов ўтказиладиган бошқа ҳўжаликларга бошоқли дон экинларининг истиқболли ва юқори ҳосилли навлари уруғларини етказиб берсин. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кен-

гаши, вилоятлар ҳўкимликлари Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги билан биргаликда бошоқли дон экинларининг кенг ишлаб чиқариш синови ўтказиладиган ҳўжаликларни аниқласинлар.

9. «Ўздонмахсулот» давлат корпорацияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳўкимликлари билан биргаликда бошоқли дон экинлари уруғларини қабул қиладиган, сақлайдиган ва сотадиган ихтисослаштирилган дон қабул қилиш корхоналари рўйхатини аниқласин, бошоқли дон экинлари уруғларини эса фақат Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳўзуридаги «Ўздавуруғ-назоратмарказ»нинг ҳўласи бўйича сотсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И.Жўрабқов зиммасига оқлансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси И.Каримов

Тошкент шаҳри,
1998 йил 7 август



Истиқлол фарзандлари улғаймоқда

ЕТТИ ИКЛИМ НАФАСИ

БОЛГАР КОММУНИСТЛАРИ МОТАМДА

Болгариянинг Социал-Коммунистик Партияси Марказий қўмитасининг содиқ биринчи қотиби, Болгария Давлат кенгашининг содиқ раиси Тодор Живков вафот этди. Тодор Живков содиқ социалистик лагерь тузумида Болгария раҳбарлик қилган ва Шарқий Европадаги коммунистик ҳаракатнинг энг фаол иштирокчиларидан бири бўлган сиёсий арбоб эди.

ЧЕЧЕН

РАҲБАРИ АМЕРИКАДА

Чеченiston Президенти Аслан Масҳадов Америка қўшма Штатларида меҳмон бўлиб турибди. У АКШда ўтказилаётган Жаҳон мусулмонлари Конгресси анжуманида иштирок этмоқда. Аслан Масҳадов мазкур Конгресснинг раиси ҳисобланади.

«ЙЎҚОСИН» ҲАВО ШАРЛАРИ

АКШнинг «Америкен эйрлайн», Германиянинг «Люфтганза» ва бошқа қатор авиакомпаниялар раҳбарлари Бразилия ҳукуматида муносабатлар эштириш учун Жаңейро осмонидан тез-тез учраб турувчи ҳаво шарлари турларини тартибга чиқариб қўйишни талаб қилдилар. Авиакомпанияларнинг қўшма баёнотида айтилишича, ҳаво шарлари самолётларнинг ҳаво сиёсатига таҳдид қўрсатишмоқда. Бразилиядаги ҳаво шарлари эгалари осмонга кўтарилиш учун газ баллонлардан фойдаланишмоқда. Улар самолётлар билан тўқнашиб кетадиган бўлса, кучли портлаш рўй бериши аниқ.

«ТҮЙ БЎЛСИН-У, ТҮЙ БЎЛСИН»

Америкалик машҳур супермодель Синди Кроуфорд эрга тегди. У Нью-Йоркдаги бир қанча ресторан ва кафе-барнинг соҳиби бўлган Рэнд Гербер исми билан уюштурушга чиқди. Тўй Богам оролларидаги жаннатмақом гўшада ўтказилди. 32 иштирокчи Синди Кроуфорднинг аввалги эри машҳур киноактёр Ричард Гир бўлган эди. Синди у билан тўрт йил турмуш қилди.

Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида

ҚУТЛУГ БАЙРАМГА ХОЗИРЛИК

Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг етти йиллиги байрамга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Унда ташкилий қўмита аъзолари, тегишли вазирлик, идора, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур қўмита раиси Исмоил Жўрабқов бошқарди. Таъкидланганидек, анъанави қўра қўлган байрам мамлакатимиз халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида улкан муваффақиятлар билан қўлиб олинмоқда. Иқтисодий соҳада салмоқли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Галла мустақиллигини таъминлаш йўлида яна бир муҳим қадам ташланди.

Шонли сана муносаба-

ти билан республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида бунёдкорлик ишлари авж олиб кетди. Байрам арафасида халқро аҳамиятга молик Қамчиқ довони ер ости йўлининг биринчи навбати қўриб битказилди. Икки буюк ватандошимизнинг таваллуд қўлини муносабати билан Самарқандда Имом ал-Бухорий ҳамда Фарғона ва Қувада Аҳмад ал-Фарғоний улкан ёдгорлик мажмуаларини қўриш ишлари жадал олиб боришмоқда. Қўпгина янги мактаблар, замонавий қишлоқ врачлик пунктлари, уй-жой бинолари, маданият-маиший иншоотлар фойдаланишга топширилмоқда, ичимлик сув ва табиий газ қувурлари тортилмоқда. Савдо шохобчалари, спорт майдончалари, хивбонлар бунёд этилмоқда.

Байрамнинг асосий тантаналари мамлакатимиз

пойтахти - азим Тошкентда ўтказилади. Мажлисда бу ерда бўлиб ўтадиган байрам томошасининг бадиий сценарийиш ва уни сахналаштириш масаласи қўриб чиқилди. Бу ҳақда сценарий муаллифи А.Орипов, бош режиссёр Р.Ҳамидов, «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси бош директори А.Назаровнинг ахборотлари тингланди. Байрамга тайёргарлик ишлари қандай бораётгани ҳақида Маданият ишлари вазирининг ўринбосари, республика ишчи гуруҳи раҳбари Б.Абдураҳимов, асосий сахна ва амфитеатрнинг қўрилиш ишлари тўғрисида эса «Тошкент-тўй жойинвестқўрилиш» корпорацияси раиси Т.Зокиров ахборот берди.

Вилоятларда байрамга тайёргарлик ҳусусида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, Сур-

хондарё, Самарқанд, Фарғона вилоятлари ҳўкимларининг ўринбосарлари маълумот берди. Мажлисда, шунингдек, Тошкент шаҳрида озодлик, санитария-гигиена ишларининг ҳолати тўғрисидаги масала ҳам қўриб чиқилди. Бу ҳақда республика бош санитария вазири Б.Нивзатов ахбороти тингланди. Қўтлуғ байрамга ҳозирлик юзасидан белгиланган барча тадбирларнинг уз вақтида бажарилиши ва тантаналарнинг кутаринки руҳда ўтишини таъминлаш юзасидан мажлисда тегишли вазирлик, идора, ташкилотлар раҳбарларига аниқ топшириқлар берилди.

Мажлисда Бош вазир ўринбосарлари А.Азизқўжаев, Л.Аҳметов, М.Усмонов, Р.Юнусов, Тошкент шаҳар ҳўқими К.Тулаганов қатнашди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

(МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИДА ТАРАҚҚИЙ ЭТГАН МАМЛАКАТЛАР ҲЎНИ)

Ўз ташқи сиёсатини оғишмай тенг ҳўқуқли асосда олиб бораётган Ўзбекистон ташқи сиёсатида ўтаётган ҳар бир кун муҳим ва катта роль ўйнамоқда. Дарҳақиқат мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи, салоқияти, обрў-эътибори янада юксакроққа кўтарилиб бормоқда.

Республикамиз ташқи сиёсатида иқтисодий омиллар ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Мамлакатимиз ўз ташқи сиёсатини олиб борар экан, аввало, жаҳоннинг иқтисодий

жиҳатдан тараққий этган етакчи мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда.

Жумладан бугунги кунда жаҳон сиёсат майдониде етакчи роль ўйнаб келаётган Америка Қўшма Штатлари билан мамлакатимиз ўртасида ҳамкорлик алоқалари йил сайин ривожланиб бормоқда. Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ривожига ва уни юқори босқичга кўтарилишида

июнь ойида мазкур мамлакатга қилган расмий ташрифлари ҳамда АКШ Президентини Билл Клинтон билан олиб борган музокаралари муҳим роль ўйнади.

Бугунги кунга келиб олиб борилган музокаралар ҳамда имзоланган ҳужжатлар ўз самараларини бермоқда. Ўтган йили АКШ Президентининг рафиқаси Хиллари Клинтон хоним юртимизда бўлган чоғида ҳам ҳамкорлик алоқаларимизга юқори баҳо берди.

(Давоми 2-бетда)

9 август - қурувчилар кун

КАСБ БАЙРАМИНИНГ МУБОРАК БЎЛСИН!

Мустақил мамлакатимиз иқтисодий ривож топшишда, диёримизнинг қўрқамлашиб бориши ҳамда бетакорор гўзаллигини дунёга қўзққ қилишда қурувчиларимизнинг улуғлиги улкан ва беқиссир.

Бу ҳақда кеча касб байрами муносабати билан бўлиб ўтган республика Агротехника мажмуи ҳодимлари касба уюшмаси Марказий Қўмитаси йиғилишида сўз борди.

Республикамиз Президентининг Фармонида биноан яқинда мамлакатимиз тараққийтини, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустақамлашда алоҳида намуна қўрсатган ишчи-хизматчилардан катта бир гуруҳи ҳўқумат мукофотларига сазовор бўлди. Мукофот соҳиблари ичида бизнинг соҳа ҳодимлари - ҳусусан бунёдкорларимиз борлиғи фахрлидир - деди Марказий Қўмита раиси Мансур Султонов ўз сўзида.

Йиғилиш якунида «Ўзсувқурилиш» Давлат концерни, «Ўзэҳсончилик қурилиш» бирлашмаси, «Ўзмаҳсувсувдренаж» таъмирлаш-қурилиш ва «Ўзмелиолсувқурилиш» трестларидан бир гуруҳ ҳодимларга эсдалик совгалари топширилди.

Мирзачўл тумани автомобиль йўллари қурилиши бошқармаси тасарруфида 217 километр йўл мавжуд бўлиб, бу - Жиззах вилояти туманлар орасидаги энг узок маошфадир. Мазкур жамоа олдидаги муҳим вазифа ана шу йўллارнинг сақланиш ҳолатини яхшилашдан иборат.

Бошқармага мана беш йилдирки, тажрибали йўл-

бўлсин. Жорий йилнинг ўтган даврида ҳам жамоа дуруст меҳнат натижаларига эришди. Етти километр йўл таъмирланди. Гагарин шаҳридаги болалар оромгоҳини таъмирлашда ҳам катта ҳисса қўшилди. Энг муҳими йўлсозлар қарамогидеги масофада бирон-бир автотўй ҳалокати содир бўлмади. Буларнинг барчаси умумий-фойдаланувдаги автотўйларда

таъмирлаш ишларининг сифати, йўл белгилари-ю, огоҳлантириш ва тўсик устуларининг жой-жойида эканлигига кўп жиҳатдан боғлиқ, албатта.

Бошқармада 45 киши шундан беш нафар олий маълумоти йўлсоз меҳнат қилди. Уларнинг қўнчилиги узок йиллардан бун ш ерда ишлашди. Эркин Тошпўлатов, Сергей Гера, Сайл овгул Женалиева сингари йўлсозлар жамоанинг фахри ҳисобланади.

Назира Топилова етакчилик қилиб келаётган бошқарма касба уюшма ташкилотини меҳнат қилчиларини иқтисодий-иқтисодий ҳақда ҳўқуқий жиҳатдан ҳимоялашга доимий диққат-эътиборини қаратиб, одамларни янги меҳнат ютуқлари сари олтинга олиб бормоқда.

«Ойла йили» дастури асосида қўпгина ишларини амалга оширивалмиш, - дейди касабаранси Н.Топилова, - Ҳар бир оила диққат-эътиборимиз-

да турибди. Жами 39 та оилага 1125 килограмм ун маҳсулотларини бозор нархидан 30 фоиз арзонлаштирилган нархларда тарқатдик. Биринчи чорак йўлига қўра ҳодимларимизга 39,3 минг сўмлик мукофот берилди. Ана шулар натижаси ўлароқ ҳар бир ишчининг меҳнатда иштирок этиш коэффициенти 1,5 фоизни ташкил этмоқда.

Бугунги кунда ҳар бир йўлсознинг ўртача ойлик маоши 3200 сўмдан тўғри келмоқда. Неймат Йўлдошев, Жексин Мақсудов сингари меҳнатсозлар бўлса оилага 7-8 минг сўмдан маош олишапти. Шуниси эътиборлики, бошқармада дебитор ва кредитор қарадорликка умуман йўл қўйилмапти. Ана шунинг учун бўлса керак, ишчиларга ойлик маошлар ойма-ой тўлаб боришмоқда. Ойлик маошларнинг ўз вақтида тўлаб борилишини бошқарма касба уюшма қўмитаси жамоа шартномасига киритган ҳолда қатъий назорат этиб боради.

Жамоа шартномасининг тегишли бандларига асосан бугунги кунда ҳодимларга ихтисос маҳорати учун 24 фоиз, газ йиғилишида ишловчи автомобил ҳайдовчиларига 12 фоиз, юкчи лавозимини ўз вазифасига қўшиб бажараётган ҳайдовчиларга 50 фоиз устам ҳақ тўлаб боришмоқдаки, бу билан меҳнатқилларнинг моддий манфаатдорлиги ортиб борапти.

Абдуманнон АЗИМОВ,
«Ишонч» муҳбири.

ТАШКИЛИЙ ПЛЕНУМ

Тошкент шаҳар касба уюшмалари кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала қўриб чиқилди:

О.Сафоев Тошкент шаҳар коммунал-маиший, енгил санает ҳодимлари касба уюшмаси қўмитаси раиси этиб сайланганлиги муносабати билан пленум уни Тошкент шаҳар касба уюшмалари кенгашининг раиси вазифасидан ва раёсат аъзолигидан озод этди.

Миробод тумани ҳўкимининг биринчи ўринбосари вазифасида ишлаб келган Мирзохид Мирзахўмудович Содиков Тошкент шаҳар касба уюшмалари кенгашининг раиси, кенгаш аъзоси ва раёсат аъзоси этиб сайланди.

Ташкилий пленумда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг биринчи ўринбосари М.М.Расулов нутқ сўзлади.

Пленумда Тошкент шаҳар ҳўкимининг биринчи ўринбосари А.Ж.Миржалилов иштирок этди.

Тезкор шарҳ

ҚУРОЛЛИ ТЎҚНАШУВ САБАБИ НИМАДА?

Дунё харитасида яна бир «оловли нуқта» пайдо бўлди.

Африкада Эритрея билан Эфиопия ўртасида қурулми тўқнашувлар бошланди. Илгари бир давлат бўлган ва яқиндагина иккига ажралган мазкур мамлакатлар нега бир-бири билан урушмоқда, деган савол туғилиши табии.

Тарихга назар ташласак, Эритрея 30 йил давомида мустақиллик учун, аввал, император Хайле Селассиёга, кейин эса «Марксистлар ҳўкумати» деб ном олган Менгисту Хайле Мариам бошчилигидаги ҳўкуматга қарши курашиб келганини қўраимиз. 1991 йили Эфиопияда Хайле Мариам сиёсати иккироғга учради ва Эритрея суверен давлатга айланди. 1993 йилнинг май ойида ўтказилган референдум натижасида Эритрея мустақил деб эълон қилинди. Бунини Эфиопия ҳўкумати тан олди.

Шундан кейинги даврларда ҳам бу икки давлат ўртасидаги муносабатларда илгиллик бордек эди. Лекин 1997 йилнинг кузида Эритрея Эфиопия валютаси - «бирнинг» урнига миллий пул бирлиги - «накфун» муомалага киритди. Аввалига, икки давлат муносабатлари билан ҳисоб-китоб қилишни йўлга қўйган бўлса-да, Эфиопия ҳўкумати Эритрея портлари - Массаува ва Асебдан фойдаланиш доллар ҳисобига ҳаддан ташқари қимматлашиб кетгани сабабли Жибути портидан фойдаланиш маълумроқ, деган қарорга келди.

Шундан сунг улар муносабатларда келешимчиликлар келиб чиқа бошлади. 1998 йил 12 май кунини Эритрея Эфиопиянинг шимоли-ғарбида жойлашган Тигра вилоятидаги майдони 400 квадрат километрдан иборат ҳудудни босиб олди. Уша кунини 5 нафар эфиопиялик ҳалок бўлди, 8 киши асир олинди, мактаб ва касалхоналар

вайрон қилинди. Эртасига Эфиопия Эритреяни босқинчиликда айблади. Лекин шунга қарамай Эритрея ҳўкумати «Биз ўзимизга қарашли бўлган, лекин олти ой муқаддам Эфиопияликлар томонидан босиб олинган еримизни қайтариб олдик, холос», деб узини оқламоқда.


Эфиопия қурулми кучлари Эритрея чегарасига яқин, муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган Бурия шаҳри аҳолисини қичиринки бошлаб юборди. Чунки, чегаранинг икки томонида жангга ҳозир нозир турган икки давлат аскарлари ўртасида бор-йўли олти километр масофа бор. Агар ушбу ҳудудда жанглар бошланиб кетгудек бўлса, Бурия шаҳри олов ичида қолиши, турган гап.

Эритрея ва Эфиопиядан олинган хабарларга қараганда, июн ойи бошларида бўлган жангларда 100 нафардан ортиқ киши ҳалок бўлган ва яраланган, унда Эритреялик аскарлар асир олинган эди.

Айни шу кунларда Эритрея «баҳсли ҳудуд»дан ташқарида бўлган Заламбес шаҳрини ҳам босиб олган. Шарҳловчилар Эфиопия қурулми кучларининг Заламбес шаҳрини қайтариб олиш учун қилган ҳаракатларига бутун мижозро мубайнидаги энг қаттиқ тўқнашув, деб баҳо берди. Чунки аввистан жанг 12 соат давом этиб, «қўлдан-қўлга ўтган» жойларда қўллаб иморатлар вайрон бўлди, икки томон ҳам қўллаб қўрбонлар берди.

Бундан ташқари Эритрея ҳарбий ҳаво кучлари Эфиопиянинг Тигра вилоятидаги Адди-Грат шаҳрини бомбардировка қилди. Оқибатда 4 киши ҳалок бўлди ва 30 киши яраланди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
шаҳрдашчиси.



Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги олдидан

1970 йили биринчи марта хоризга - Миср Араб Республикасига бордим. Дунёда тенги йўқ Миср эҳромларини - пирамидалару-сфинксни томоша қилдик. Бир неча хоналардан иборат бўлган Хеопс пирамидасининг ичидидаги хоналарни, Локсоиди барча бойликлару, олтин қабрлари билан сақланиб қолган Тутонхамон қабрини кўздан кечирдик.

Саёҳатимиз давомида Эл-Халилий бозори ёнидаги Имом Хусайн масжидига ҳам бордик. Масжид ниҳоятда катта ва гоёта гўзал қилиб безатилган экан. Ичкаридан эса йиғи овозларини эшитилди. Нима гапни билмай хайрон бўлиб турган ҳамроҳларимиздан бири:

- Сўрангчи, одамлар нега йиғлашяпти экан? - деди.

Мен маъруз савол билан бизга ҳамроҳлик қилиб юрган жаноб Хаерга мурожаат қилдим. У эса бепарвогина:

- Сизлар буну тушунмайсизлар, - деб қўя қолди. Лекин ҳамроҳларим маъруз саволни икки-уч бор такрорлашган жаноб Хаер:

- Бу масжид жуда табаррук. Одамлар йиғлаётган жойда Пайғамбаримиз Муҳаммад (САВ)нинг авлодларидан бўлиш - Имом Хусайннинг қабри, ичкаридаги хонада эса Пайғамбаримизнинг мўйи мубораклари ва бошқа табаррук ашёлари сақланган, - деб жавоб берди. Бу гапларни таржима қилиб бўлишим билан ҳамроҳларимизнинг кўпчилиги, ўша хонага кирайлик, деб илтимос қилишди.

- Қўйинглар, нима кераги бор, яна бир кори-ҳол юз бермасин, - дейишди. Кўпчилик - кўпчилик экан, шунча ердан келиб шундай улуг жойни зиёрат қилмай кетамизми, деб туриб олишди. Мен яна жаноб Хаерга мурожаат қилдим. У киши:

- Қўриб турибсизки, у хонага ҳатто шу атрофдан келган мусулмонлар ҳам киришолмаётти, сиз «гайридин»ларга бундай улуг жойга киришга йўл бўлин, - деди. Мен бизлар гапни дин эсим, Ўзбекистонлик мусулмонлар эканлигимизни тушунтирдим. Жаноб Хаер осмонга қараб ўйланиб, бошини бироз қасийиб турган:

- Ўзбекистон - Ўзбекистон... қаерда у? - деб сўради.

-Ўзбекистон СССРнинг 15 республикасида биттиса. У Урта Осиёда. Афғонистоннинг шимолида жойлашган, - дедим.

- Ха-а топдим. Сизлар «ўрис мусулмон»лар, - деди у ўз билангилидан хурсанд, кўзлари парпираб.

- Йўқ, бизлар рус эмасмиз, ўзбекларимиз. Ўзбекистонданмиз, - дедим.

- Шунча ёшга кириб дунёда Ўзбекистон деган мамлакат, ўзбек деган миллат борлигини эшитмаган эканман, - деди мени назарга илмагайдай бепарво оҳангда.

- Тошкент, Самарқанд, Бухоро ҳақида эшитмаганмисиз? - дедим. Наҳотки дунёда Ўзбекистондек юрт борлигини билмасиз, деган ўй туйфайли ёпирилиб келаётган аламий дардини ичмига ютиб.

- Ха-ха, тушундим « Имом ал-Бухорий» юртдошлари, «бухорий»мисизлар?

- Ха, ана топдингиз, - дедим ниҳоят тушунтирилганидан хурсанд бўлиб, - Мусулмонлигинизни нима билан исботлайсиз? - деди жаноб Хаер бироз дағал оҳангда. Мен ёшлимда раҳматли энам ўргатган қалимаи шаҳодатни эслаб:

- Ла илоҳа иллоллоху Муҳаммадан расулоллоху. Ашҳаду Алла илоҳу иллоллоху ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуху ва расулу, - дедим. Хаернинг юзи бироз ёришди. Сўнг мен «Фотиҳа» сурасини, кетидан «Ихлос» сурасини ўқидим. Жаноб Хаер мени кучиб:

- Эй, Имом Бухорий авлодлари, сизларга жоним садага бўлсин! Юртимизга хуш келибсизлар! Қадамларингизга ҳасанот! - деди-ю, масжиднинг ичкариси томон йўл олди. Бироздан сўнг оппоқ узун кўйлак кийган барваста ва хушсурат бир нуроний кишини бошлаб келди:

- Бу киши масжиднинг имомиди, - деб жаноб Хаер бирга келган кишини таништирди. Сўнг биз томон ишора қилиб - мана, мен сизга айтган Бухорий авлодлари, - деди. Имом ҳам менинг мусулмонлигимни яна бир қарра имтиҳондан ўтказган:

- Шундай улуг инсоннинг авлодларини зиёратга қўймасак гуноҳга қоламиз, майли, сизларга бир яхшилик қолсин, - деб бизни одамлар тўпчилиги йиғи-сиғи қилаётган хона томон бошлади. Издиҳом орасидан ёриб ўтиб, одамлар силвайверганидан ётираб кетган сариқ эшикнинг (бронза бўлса керак) қулфини очди. Масжид хизматчиларидан бирини чақириб, бошқа одамларни қўймасликни буюриб, бизни ичкарига бошлади. Ичкарига киргач, биринчи хонада олтинранг металдан ишланган панжара билан ўралган Имом Хусайн қабрини силлаб кўзларимизга суртди. Сўнгра иккинчи хонага кирдик. Бу хона ҳам анча катта бўлиб, тўрт томони бир неча ойнаванд тоқчалардан иборат эди.

- Илтимос шуки, мен кўрсатадиган нарсаларга ҳеч қим қўл теккисамин, Қўрьон ўқиб бўлган Имом, - дея оғохланганди бизни.

Шундан кейин у киши яна бир бор қисқа Қўрьон ўқиб юзига фотиҳа торгач, биринчи жовоннинг қулфини очди. Ундан баҳмал гилофга солинган катта кумуш сандиқча олиб, унинг ҳам қулфини очдилар. Ичидан катта Қўрьон китобини олиб, ўпиб, кўзларига суртди. Сўнг икки қўллаб китобни тутган ҳолда уни биринчи бўлиб

менинг лабларимга тутди. Мен китобни охишта ўқидим. У киши китобни аста кўтариб кўзларимга суртди. Шундан сўнг ўтирганлар орасидан юриб барчага китобни ўқидириб, кўзларига суртиб чиқди. Сўнг китобни сандиқча солиб, сандиқни гилофга, гилофни эса жавонга солиб қўлфладилар. Иккинчи жавондан ҳам шундай тартибда гилоф ва сандиқчани очиб ичидан мактабдаги химия дарсларида қўлдан кўзларимизга суртди. Ниҳоят, барчанинг эътиборини

ларига каттагина лупа ушлаб ҳаммамизнинг кўзига яқин тутиб, барчамизни пайғамбаримизнинг бир дона кулранг соқолларини лупа ёрдамида кўриш шарафига муассар қилди. Шундан сўнг яна юқоридаги тартибда жавонларни очиб, пайғамбаримиз кўзларига суртиб сурма кўйган табаррук мўйқаламини кўзларимизга суртди. Сўнг у кишининг муборак қўллари теккан ҳассаларининг синигини курсатиб, уни ҳам кўзларимизга суртди. Ниҳоят, барчанинг эътиборини

ўзига тортди:

- Жаноблар, - дея ўтирганларга мурожаат қилдилар. - Дунёда неча минг одам бўлса барча инсоннинг ўзига хос ҳақиқатлари... Мен ҳозир сизларга Пайғамбаримиз Сарвари Олам кийган тўнларни этакининг пешини кўрсатаман. Уни ҳидлаб сизлар уч табаррук зотнинг ўзларигагина хос бўлган муборак хидни сезасизлар.

Шундан сўнг жавондан Пайғамбаримиз Муҳаммад (САВ) тўнларининг бу ерда сақланаётган, жигарранг бир парчасини, хидлаш учун бизга тутди. Мен пайғамбаримиз кийган муборак тўнларни этакининг пешини ўпиб, сўнг кўзларимга суртдим. Уни ҳидлар эканман, беихтиёр кўзларимдан ёш оқиб, ўзимни бошқа дунёда юргандек ҳис қилдим. Мен бундай музааттар, одамни сархуш қилувчи табаррук хидни умрим буйи бошқа учратмадим...

Шундан сўнг яна Қўрьон ўқилган, у кишига гуруҳимиз номидан миннатдорчилик изхор этдим. Ташқарига чиққан гуруҳимиздагилар мени кучиб ўз миннатдорчиликларини изхор этишди. Мадамимиз Бобораҳимов эса кўлтигимдан аста олиб чеккароққа тортар экан, меҳр билан қўлимни сиқиб:

- Ука, сиз туйфайли шундай улуг зиёрат бизга насиб этди, иншооллоху, ярим ҳожи бўлдик. Илоҳим бола - чакангазининг орзусини кўринг, икки дунёда қамлик кўрманг, - дедилар. Сўнг бир дақиқа ўйланиб турди-да: - Токи, мавриди келмагунча бу ҳақда гапиринг йўқ. Узингиз ақли йиғитсиз, гарчи бу зиёратда ҳеч қандай ёмонлик бўлмас-да, бу ёғини яши биласиз, - деб қўшиб қўйдилар.

Мадамимиз ака айтган бу гапни гапирининг мавриди, қарийб чорак асрдан кейин, мустақиллик шарофати ила энди етиб келди...

Шундан сўнг Мисрга яна уч марта бориб, бу қадим мамлакатни етти марта айланиб чиқиш насиб этди. Лекин бундай улуг зиёрат бизларга бошқа насиб этмади. Чунки йил сайин СССР билан Миср алоқалари ёмонлашиб, охири 1976 йили батамом узилди.

Йиғитга УСМОНОВ.

ХАНДАЛАР

- Айтчи, сен хотининг билан қандай танишгансан?

- Э, бу тасодиף! Бунда ҳеч қимни айбали олмаيمان.

Икки киши поездда суҳбатлашиб кетишарди. Биласанми, менинг хотиним фаришта.

- Қандай бахтлисан-а, — дебди хўрсиниб шериғи, - Менинг хотиним ҳали тирик.

Унинг эгаси ижарада турувчига бақирди. - Нима учун ваннахонага эшикни тақиллатмай кираяпсиз?

- Кечирасиз мен у ерда хотинимгиз бор деб ўйлабман.

Бир киши қўлида икита шиша кўтариб борарди. Йўлда ўртоғи дуч келиб қолди. - Нима иш-шларни топширгани кетаяпсанми?

- Йўғ-э, хотиним билан жанжаллашиб қолувдим. Хотиним ўзининг нарсаларини олган-да, бу ердан жўна деди.

Шавкат ЕКУБОВ.

НАВОИЙ ВА ШАТРАНЖ

Кўкон хони Умаржоннинг жиёни Ҳакимжон Тўра ўз замонасининг маданиятли, илгор кишиларидан бири бўлган. Шунинг учун Умаржоннинг ўғли Мавадалихон ҳукмдорлик даврининг (1822-1842) дастлабки йилларида уни Фарғонадан бадарга қилади. Ҳакимжон Тўра Россиянинг кўпчилик шахарларини айланиб, сўнг Кубан орқали шарқ мамлакатларига сафар қилади. У сафар қабиларини ўзининг «Мунбакабат-таврих» асаридан акс эттирган.

Ҳакимжон Тўра Мисрда 22 яшар турк йиғити Моҳир Афанди билан дўстлашиб қолади. Бир куни бу йиғит шахардан дабдаба билан ўз чорбоғига кетаётган Миср подшоиси Муҳаммад Алининг гўзал қизи Офтобхонимни кўриб, унга ошқиб бекор бўлади. Қизнинг ҳам юрагидан уради. Қиз минг хил найранг билан Моҳир Афанди ва Ҳакимжон Тўрани жиҳоний йўллар билан чорбоғдаги ўз хонасига олиб келтиради. Малика гўзал йиғитга ёнидан жой бериб Ҳакимжон Тўрани хонанинг бурчатидаги курсига ўтказди. Офтобхоним базм орасида ёнидагиларга сўз қотар, жавоблардан кейин хонанда ва создаларига гап

бериб турарди. Суҳбат пайтида турк йиғитнинг турли илмлардан беҳабарлиги, унинг билими хўрсига монанд эмаслиги билиниб қолади. Вақт келиб, Малика Ҳакимжон Тўрани батафсил жавоблар қайтарди. Баъзан Офтобхоним ёнидаги китобларни мутлоа қилгани турар, гоҳ

си паст Моҳир Афанди Малика ёнидан жой олдию, мендек тўғри, аммо жуда чекиб илмларга етишган одам камораларига тикилди, деб Офтобхонимни мот қилади.

Бу кинояда ҳақиқат борлиги муқаррар. Шундай экан, Урта Осиё, жумладан қадимги Фарғонада маданият етарли даражада юксак бўлмаганида, маданиятнинг бир бўлаги - шахмат ривож топмаганида Ҳакимжон Тўра бунчалик билимдон ва моҳир шахматчи бўлиб етишмас, бу воқеани «Тарихлар хулосаси» номли китобига киритишга ботинолмас эди, албатта.

Мамажон МУҲИДИНОВ, ДИЛХУШИ МАШҚЛАР

Тўртта этюдда ҳам оқлар бошлаб дурангга эришади.

Сираям шошма-шошарликка берилманг, Зеро ечимлар анчагина мураккаб кечади.




«Фил суриб, от ўйнатиб»

шатранж тантасига қараб кўярди. Бир вақт Ҳакимжонга юзланиб-шатранжни биласанми, деб сўраб қолади. Ҳакимжон Тўра: -Бу илмдан жуда яхши хабарим бор. Уйларнинг бир неча хилини ажиб бир китобдан ўрганганман, - дейди.

Хоним хазиначиси шатранжда тенги йўқ қанзини чақирди. Шатранж тахтасига доналар терилади. Ҳакимжон Тўра устма-уст икки марта голиб чиқади ва Маликага қуйидаги байтни ўқиб беради.

Фарзин ул камрави шуда бо шох ҳам шишин Бечорак рух ул рости андар қанорахо

Бу билан Ҳакимжон қириниши башанг, лекин савия-



Спорт Спорт Спорт

Зангиота туманидаги «Зангиота» жамоа ҳўжаликларининг волейбол ва бас-

кетбол командалари ўз минтақалари бўйича мусобақаларда юқори натижаларга эришдилар.

Волейбол ва баскетбол бўйича финал мусобақаларини ўтказувчи республика ташкилий кўмитасини-

борди.

ЯКУНЛОВЧИ БОСКИЧ

Ташкент шаҳри ва вилояти, Бухоро тўқимачилик ва Навоий кон-металлургия комбинатлари, Самарқанднинг 5-қурилиш трести, Нарпайдаги «Оқ олтин», Когондаги «Зарафшон»,

кетбол командалари ўз минтақалари бўйича мусобақаларда юқори натижаларга эришдилар.

Волейбол ва баскетбол бўйича финал мусобақаларини ўтказувчи республика ташкилий кўмитасини-

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

Тожикистондаги муҳолифат кучлари матбуот марказининг берган хабарига қараганда, Душанбедаги хомъе масжидининг имомни Қиёмиддин Шодавлатов отиб ўлдирилган. У бундан бир неча кун олдин Қофарихонга кетиб дом-дараксиз йўқолган эди. Шодавлатов ва унинг шогирдининг жасади пойтахтдан 27 километр узоқликдаги қишлоқдан топилган. Қотиллар қим ва нима учун бу ишни қилганликлари номаълум. Муҳолифат томони ҳукуматдан қотилларни топшири талаб қилаёттилар.

Тожикистон ҳукумати қочқлар оқимини тўхтатиш ва давлат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида унинг чегараларини мустаҳкамлаш чораларини қўришга киришган. Бунга қўшни Афғонистонда кейинги кунларда содир бўлаётган воқеалар сабаб бўлган.

Жаҳон бозорига нефть нархини пасайиб кетганидан бошқа давлатлар қатори Қозғистон иқтисодийотига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Республика Бош вазири Р.Балгинбоевнинг сўзларига қараганда шу йилнинг иккинчи ярим йилида давлат бюджети 25 фоизга қамайтирилади. Шунга кўра ҳукумат хизматчиларидан 10 минг кишини қисқартириши, мансабдорлар учун янги автомобиллар сотиб олишни тўхтатиши, чўнат телефонларидан оқилона тежаб фойдаланишга қаратишга чора-тадбирларни белгиларди.

Қозғистондаги йирик нефть ишлаб чиқариш корхоналаридан бири «Қаламқаш» концерни бундан бир ҳафта олдин ишшни тўхтатган. Бу корхона акцияларнинг олтинчи фоизи Индонезия ширкатига, йигирма беш фоизи эса Қозғистонга тегишли бўлган. Корхонанинг ёпилиб қолиши натижасида беш юздан ортиқ киши иш жойини йўқотган. Шу муносабат билан республика меҳнат конфедерацияси ҳукуматга мурожаат қилиб бу масалани тезроқ ҳал қилиб меҳнаткашларни иш билан таъминлашга ёрдам беришини сўраган.

«Тошшаҳарйўловчитранс»

Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорт корхоналари давлат уюшмаси чипта сотувчиларини ишга тақлиб этди. ЭЪТИБОР БЕРИНГ! Бир йилдан ортиқ иш стажига эга бўлганларга ҳар ойда тариф ставкасининг 20% дан 50% игача миқдорда устама ҳақ тўланади. ЯНА - шаҳар йўловчи транспорт чипта сотувчилари имтиёзли нафақага чиқиши, даромадлардан имтиёзли солиқ тўлаш ҳуқуқига эга бўлади.



Маълумотлар учун телефон рақамлари: 34.84.19, 34.82.37.

БОШ МУАХРАР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ: ЧОРИ ЛАТИПОВ

БОШ МУАХРАР ҚАБУЛХОНАСИ: 56-25-36
БОШ МУАХРАР УРНИБОСАРИ: 56-52-89
МАСЪУЛ ҚОТИБ: 56-52-78

БОШ МУАХРАР ҚАБУЛХОНАСИ: 56-25-36
БОШ МУАХРАР УРНИБОСАРИ: 56-52-89
МАСЪУЛ ҚОТИБ: 56-52-78

Газета 1991 йил 21 мартдан чопи бошлаган. Сотувида эркин нархда. Мислининг: 700165, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй. Нашр курсаткичи: 133; 134

«Шаҳар» нашриёт-маълумот кўрсатиш бўлимида «Буюк Тўра» кўчаси, 41-уй.